

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.P.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАГРУПОВ АБДУЛЛА МАХМУДОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СТРАТЕГИК ВА ФУНКЦИОНАЛ
МЕНЕЖМЕНТНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 –Педагогика тарихи ва назарияси. Таълимда менежмент.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of abstract of doctoral (DSc) dissertation

Магрупов Абдулла Махмудович

Олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни
интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш..... 3

Магрупов Абдулла Махмудович

Совершенствование механизмов интеграции стратегического и
функционального менеджмента в системе высшего образования..... 33

Magrupov Abdulla Maxmudovich

Perfection of mechanisms of integration of strategic and functional
management in the system of higher education 63

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works..... 67

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.P.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАГРУПОВ АБДУЛЛА МАХМУДОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СТРАТЕГИК ВА ФУНКЦИОНАЛ
МЕНЕЖМЕНТНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 –Педагогика тарихи ва назарияси. Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1.DSc/Ped8 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) тилда Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tdpu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Иноятов Улугбек Илясович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қурбанов Шавкат Эргашевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Юлдашев Мақсуд Абдуллаевич
педагогика фанлари доктори

Исмаилова Зухра Карабаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

**А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари
малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш
марказий институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.P.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2016 йил «__» _____ куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.) Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.С. Шарипов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д. профессор

Р.Г.Исянов

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н.

Д.Д.Шарипова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларга етказувчи муҳим фаолият сифатида тан олинган¹, таълимни бошқариш жараёнини такомиллаштириш ва унинг сифатини баҳолаш, эришилган натижаларни аниқлаш имконини берадиган механизмларни амалиётга жорий қилиш устувор йўналишлардан ҳисобланади. Етакчи таълим муассасалари томонидан раҳбар кадрларда олий таълим муассасасини инновацион бошқариш учун зарур компетенцияларни шакллантириш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштиришга оид тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Дунёда таълим тизимини бошқаришни раҳбар миссияси билан уйғун бўлган стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш, бошқарув жараёнининг назарий асослари ва илмий-методик таъминоти, таълимнинг инновацион ривожланишини мониторинг қилиш асосида такомиллаштириш вазифалари қўйилмоқда. Олий таълим муассасанинг ривожланиши кўп жиҳатдан раҳбарнинг стратегик ва тактик мақсадларни белгилаш, уларга эришиш жараёнини бошқариш малакаларига боғлиқ. Таълим сифатини ошириш борасида илмий изланишлар ва бунинг амалий чораларини реализациялашнинг тобора истиқболли йўналиши таълим муассасаси ва таълим жараёнини уларнинг бирлигида бошқаришни такомиллаштириш, деб ҳисоблаш керак.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, олий таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, унинг норматив-ҳуқуқий ва моддий-техник базаси тубдан янгиланди, раҳбар кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тизимли ишлар ташкил қилинди. Узлуксиз таълим тизимини бошқариш кадрлар тайёрлаш тизимининг йирик мустақил йўналиши, жумладан, узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида бошқарув органлари ваколатларини аниқ чегаралаш сифатида баҳоланмоқда. Бу фаолиятда эришилган натижалар билан бир қаторда олий таълим тизимида юқори малакали раҳбар кадрлар тайёрлаш стратегик ва функционал менежментини интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни мақсадли ташкил этиш зарур. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”² бўйича устувор вазифалар белгиланган, бу, ўз навбатида, олий таълим тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш ҳамда стратегик ва функционал менежментни

¹ Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. – p.6-7. <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси тўғрисида” //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.-Т.,2017.-Б.39.

интеграциялашни чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Шу жиҳатдан ҳам тизимда стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш долзарб саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармонлари, 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли ва 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарорлари ҳамда мазкур масалага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Олий таълим тизимида бошқаришни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university (Буюк Британия), Association for Educational Communications and Technology – АЕСТ (АҚШ), Belfield pedagogical university (Германия), Мияги педагогика университети (Япония), Россия таълим академияси (Россия), Москва давлат университети (Россия), Россия нефть ва газ университетида (Россия) олиб борилмоқда.

Дунёда олий таълим тизимида менежментни ривожлантириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган: таълим тизимини ривожлантиришни самарали бошқаришнинг ташкилий ва стратегик механизмлари такомиллаштирилган (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university, Буюк Британия); олий таълим муассасаларининг бизнес-корпорацияларга ўтиши механизмлари ишлаб чиқилган (Association for Educational Communications and Technology – АЕСТ, АҚШ); бошқарув органлари билан ўқув-тарбия муассасалари ўртасидаги янада демократик муносабатларга ўтишни таъминлаш модели яратилган (Belfield pedagogical university, Германия);

³ Ушбу бўлимни ёритишда қуйидаги манбалардан фойдаланилган: Botcheva, L., Shih, J., Huffman, L. C. Emphasizing Cultural Competence in Evaluation: A Process-Oriented Approach / L. Botcheva, J. Shih, L.C. Huffman // American Journal of Evaluation. 2009. Volume 30. №2. P. 176-188.

таълимнинг тобора юқори даражасига интилишга умуммиллий интилиш тенденциялари асосланган (Мияги педагогика университети, Япония), ўқувчи ва талабаларни барқарор ривожланиш вазифаларини ҳал қилишга тайёрлашда узвийликни таъминлаш технологиялари амалиётга жорий қилинган (Россия таълим академияси), таълимни бошқаришни марказлашдан чиқариш – унинг турли даражалари ўртасида компетенция, ваколат ва жавобгарликни тақсимлаш механизмлари такомиллаштирилган (Москва давлат университети), бошқарув ва биотехнология, иқтисод ва когнитив психология кесишувида юзага келган янги магистрлик дастурлари жорий қилинган (Россия давлат нефть ва газ университети).

Дунёнинг етакчи таълим муассасаларида олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: олий таълим муассасасини бошқаришнинг назарий-методологик асосларини ижтимоий шериклик тамойили асосида такомиллаштириш; таълим тизимини ривожлантиришда давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш; тизимдаги стандарт ва усулларни корпоратив бошқарув асосида такомиллаштириш; олий таълим муассасасини бошқаришга турли, жумладан, ижтимоий институтларни жалб қилиш; таълим муассасалари автономлигини янада ривожлантириш; раҳбар ва педагогик кадрларнинг касбий тайёргарлик даражасини оширишда интеграция механизларидан самарали фойдаланиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз педагог-олимлари Р.Ахлидинов, М.Ачилов, У.Бегимкулов, М.Вахабов, У.Иноятов, Н.Исакулова, Р.Г.Исянов, Ш.Курбанов, Э.Сейтхалилов, С.Тургунов томонидан таълим муассасаларини бошқаришнинг замонавий концепиялари моҳияти ва мазмуни, таълим муассасалари ва узлуксиз таълим тизими бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; Я.Исмадияров, З.Исмаилова, Р.Джураев, Ш.Шарипов, Ш.Шодмонова, Ш.Шакуров, М.Юлдашев, Н.Эгамбердиева ва бошқалар томонидан бошқарувчиликда ҳамкорлик масалалари тадқиқ қилинган⁴.

Замонавий менежмент назарияси ва амалиётининг долзарб муаммоларига оид илмий тадқиқотлар хориж мамлакатлари олимлари: М.Альберт, Т.Афанасьева, В.Васильев, В.Зигерт, А.Кучаров, Л.Ланг, Ю.Конаржевский, А.Орлов, В.Симонов, П.Третьяков Ф.Хедоури ва бошқалар томонидан олиб борилган.

⁴ Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимни ахборотлаштириш: назария ва амалиёт. Монография. - Т.: Фан, 2011. - 232 б.; Джураев Р.Х., Тургунов С.Т. Таълим менежменти. –Т.: Voris-Nashriyot, 2012. -167 б.; Исянов Р.Г. Кластерный подход к формированию компетентности преподавателей высших образовательных учреждений. -Т.: ТГПУ, 2014. -69 с.; Курбанов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Управление качеством образования. - Т.: Шарқ, 2004. -592 с.; Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ... дис. автореф. -Т., 2012.-46; Шодмонова Ш.С. Олий ўқув юрти талабаларида мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш (Касб таълими йўналиши мисолида): Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2010. – 340 б. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ҳамда касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (педагогика олий таълим муассасалари мисолида): Дис. ... пед. фан. д-ри. – Т., 2010. -332 б.

Бошқарувнинг психологик жиҳатлари А.Абульханова-Славская, Р.Бибрих, Л.Буева, А.Леонтьев, Д.Мухамедова, З.Расулова, С. Рубинштейн, Ш.Халилова, Г.Шоумаров ва бошқ. томонидан тадқиқ қилинган.

Олий таълим муассасаларида менежментни такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилганига қарамай, кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш шароитида олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш муаммоси махсус ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари ИТД-1-164 “Кадрлар тайёрлаш сифати ва уларнинг ишга жойлаштирилишини таъминлаш бўйича соҳалараро амалий интеграция мазмунини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш” (2012-2014) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментнинг педагогик-психологик функциялари ва принципларинини аниқлаш;

стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини педагогик кадрларнинг бошқарувчилик компетенцияларини самарали ривожлантириш компонентлари асосида такомиллаштириш;

инновацион менежментнинг фаолият кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, унинг тузилмавий компонентларини аниқлаш ва тизим ҳосил қилувчи мезонларини тавсифлаш;

функционал менежмент билан интеграцияланган стратегик бошқарув моделини ишлаб чиқиш ва амалий самарадорлигини баҳолаш;

олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини жорий қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасаларида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш методлари, воситалари ва технологияларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қуйидаги назарий ва эмпирик методлар мажмуасидан фойдаланилган: педагогик кузатиш, танқидий-қиёсий таҳлил, сўровнома, педагогик тажриба-синов, натижаларни математик ва статистик қайта ишлаш ва умумлаштириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмлари раҳбарнинг диагностик, прогностик ва тадқиқотчилик фаолиятининг узвийлиги асосида такомиллаштирилган;

инновацион ривожлантириш шароитида олий таълим муассасасини функционал менежмент билан интеграцияланган стратегик бошқарув модели мақсадга йўналтирилганлик, режалилик, компетентлилик, рағбатлаш принципларининг статистик аҳамиятлилигини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

раҳбар касбий фаолияти бошқарувчилик компетенцияларини самарали ривожлантиришнинг мотивацияли, ахборотли, коммуникатив ва инновацион компонентлари аниқлаштирилган;

бошқарув самарадорлик даражасини таълим муассасаси фаолиятини мониторинг натижаларини таққослаш асосида баҳолаш бўйича таклифлар асосланган;

стратегик-функционал менежмент интеграциялашуви асосида таълим муассасасини инновацион бошқариш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

функционал менежмент билан интеграцияланган стратегик бошқарув модели такомиллаштирилган;

олий таълим тизимида инновацион менежментни самарали реализациялашни таъминлаш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмлари тавсифланган ва олий таълим муассасалари раҳбарлари фаолиятига татбиқ қилинган;

“Олий таълим тизимида менежерларни тайёрлаш назарияси ва амалиёти” махсус курс дастури ва ўқув-методик таъминоти ишлаб чиқилган ва жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги расмий манбаларга асосланган ёндашувлар, методлар ва назарий қоидалардан фойдаланилгани, тадқиқот ва тажриба-синов ишлари натижалари самарадорлигининг математик статистика методлари билан асосланганлиги, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани компетент органлар томонидан тасдиқланганлиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларининг такомиллаштирилгани, функционал менежмент билан интеграцияланган стратегик бошқарув модели ишлаб чиқилгани, олий таълим муассасаси стратегик ривожланишини бошқариш самарадорлигини баҳолаш мезонларининг ишлаб чиқилганидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва амалий тавсияларнинг раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тингловчиларига қўйиладиган малакавий талаблар, ва ўқув

дастурларини такомиллаштириш, менежерлар тайёрлаш бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш, олий таълим муассасаларида бошқарув бўйича махсус ўқув курсларини ташкил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган назарий-методологик ва амалий таклифлар асосида:

раҳбарнинг диагностик, прогностик ва тадқиқотчилик фаолиятининг узвийлигини асосида стратегик ва функционал менежментни интеграциялашни такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 20 июлдаги 89-03-1397 сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари бошқарувчилик фаолиятига қўйиладиган талабларни такомиллаштиришга хизмат қилди;

такомиллаштирилган функционал менежмент билан интеграцияланган стратегик бошқарув моделидан ИТД-1-164 “Кадрлар тайёрлаш сифати ва уларнинг ишга жойлаштирилишини таъминлаш бўйича соҳалараро амалий интеграция мазмунини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш” амалий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 20 июлдаги 89-03-1397 сонли маълумотномаси). Ушбу модель компонентлари стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини такомиллаштиришга кўмаклашган;

функционал менежмент билан интеграцияланган стратегик бошқарув моделининг амалий самарадорлигини аниқлаш натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарорини амалга татбиқ қилиш бўйича илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 20 июлдаги 89-03-1397 сонли маълумотномаси). Бу тавсиялардан педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ўқув-меъёрий хужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

раҳбарлар касбий фаолияти бошқарувчилик компетенцияларини самарали ривожлантириш компонентларидан таълим тизими педагогик кадрларнинг бошқарув салоҳиятини баҳолаш мезонлари сифатида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 24 июлдаги 01-02/1-3-297 сонли маълумотномаси). Ушбу компонентлар таълим тизими раҳбар кадрларини малакасини ошириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ишлаб чиқилган “Олий таълим тизимида менежерларни тайёрлаш назарияси ва амалиёти” махсус курс дастури ва ўқув-методик таъминоти олий таълим тизими педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини

ошириш курслари ўқув жараёнига татбиқ қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 20 июлдаги 89-03-1397 сонли маълумотномаси). Ушбу ишланмалар раҳбар кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёни, ўқув-методик таъминоти, ўқув дастурлари ҳамда бакалаврият ва магистратура битирувчиларига қўйиладиган малакавий талабларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжумаларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 266 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида амалга оширилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асосланган; объекти ва предмети тавсифланган; тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган; олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Таълимни бошқаришда инновацион менежментнинг методологик асослари”** номли биринчи бобида менежментда инновацион ёндашувнинг моҳияти, ижтимоий фанлар концепциялари асосида таълимни бошқариш муаммолари ишланмаси тақдим қилинган.

Илмий-техник жараёнларнинг ва бозорда рақобатнинг тезкор ривожланиши шароитида инновацион фаолиятни амалга ошириш менежмент тизимига алоҳида талабларни қўймоқда. Инновацион менежмент – моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш йўли билан ташкилотни инновацион ривожлантириш мақсадларини шакллантириш ва уларга эришишга қаратилган бошқарувчилик фаолияти. Инновацион менежментни инновацион жараёнларни бошқариш механизмлари ёрдамида ташкилотнинг яшовчанлиги ва рақобатбардошлигининг зарур даражасига эришиш ёки уни тутиб туришга қаратилган ҳаракатларнинг ўзаро боғлиқ мажмуаси сифатида қараш керак. Таълим муассасасида (ТМ) инновацион менежмент – инновацияларни яратиш соҳасида уларни бошқариш, таълим сифатини ошириш ва фойда олиш мақсадида бозорда илгарилаш мақсадида

таълим жараёнида ўзлаштиришнинг илмий асосланган принциплари, методлари, усуллари ва воситаларининг жами. Инновацион менежментнинг асосий мақсади – таълим муассасасининг инновацион жараёнларни самарали ташкил қилиш ва инновацион маҳсулотнинг юқори даражада рақобатбардошлиги, янгиликни тижоратлаштириш самарасини максималлаштириш асосида узоқ вақт фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш.

Стратегик инновацион менежмент муассасаса ривожланишининг устуворликлари стратегиясини ишлаб чиқиш, таълим хизматлари бозорига экспансия, ташки муҳит ва таълим хизматлари бозорини таҳлиш қилиш, таълим муассасасини ривожлантириш ва унинг миссияси бўйича стратегик қарорлар, унинг динамик тарзда ривожланиши ва рақобатбардошлиги, таълим муассасаси миссиясини бажариш ва уни ривожлантиришни назарда тутати.

Функционал инновацион менежмент ўз функцияларини янгиликларни ишлаб чиқиш, жорий қилиш, ишлаб чиқариш ва тижоратлаштиришни бошқариш бўйича аниқ тадбирларда жамлайди. Оператив менежментда қисқа ва ўрта муддатли истиқболга эътибор қаратилади. Оператив менежмент тизимлари етарлича тўлиқ ахборотга эга бўлиб, номаълумлик даражасининг пастлиги билан тавсифланади ва менежментнинг қуйи ва ўрта даражаларига йўналтирилган.

Ташкилотни бошқаришнинг стратегик жиҳати асосий характеристикалари функционал (жорий) бошқарув билан қиёслаб ўрганилди (1-расм).

Инновацияларни самарали жорий қилишнинг ҳал қилувчи омили олий таълим муассасаси профессор-педагоглар таркиби (ПЎТ) ва унинг ходимарга муносабати ҳисобланади. Шу сабабли инновацияларни жорий қилишда раҳбарларнинг вазифаси педагогларнинг янгиликни ўз вақтида амалга ошириш, янгиликнинг шахсий ва жамоавий аҳамияти, шунингдек янгиликни амалга оширишга шахсан киришиш заруратини англаб етишда намоён бўладиган психологик тайёрлигини шакллантиришдан иборат.

Ходимлар (ПЎТ) янгиликларга муносабатининг олти шакли фарқланади: 1) янгиликни қабул қилиш ва уни амалга оширишда фаол иштирок; 2) янгиликни пассив қабул қилиш; 3) янгиликни пассив қабул қилмаслик; 4) янгиликни фаол қабул қилмаслик, унга қарши чиқиш; 5) янгиликка қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ фаол қабул қилмаслик; 6) янгиликни қабул қилмасликнинг кескин шакллари (янгиликни жорий қилишни инкор этиш ва саботаж).

Таълимни бошқариш қонуниятлари бошқарув жараёнида турли элементлар ва ҳодисаларнинг объектив мавжуд ва такрорланадиган жиддий ўзаро алоқадорликларини акс эттиради. Уларнинг умумий ва хусусийлари фарқланади. Умумий қонуниятлар бошқарувнинг барча тизимларига хос, хусусий қонуниятлар эса алоҳида таълим муассасалари ва ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ.



**1-расм. Ташкилотни бошқариш стратегик жиҳатининг асосий
характеристикалари**

Устун самарадорлик ва онгли режали бошқарув; бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар, бошқарув субъекти ва объектининг ўзаро нисбатланганлиги; бошқарувда меҳнатни тақсимлаш жараёнларининг кучайиши кабиларни бошқарувнинг умумий қонуниятлари сирасига киритиш мумкин. Бошқарув функцияларининг ўзгариши, бошқарув даражалари сонини оптималлаштириш, бошқарув функцияларини жамлаш (концентрациялаш) ва назоратнинг ёйилганлиги кабилар эса хусусий қонуниятлар ҳисобланади.

Таълимни бошқаришнинг умумий принциплари универсал характерга эга экани ва бошқарувнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатиши билан тавсифланади.

Бошқарувнинг умумий принциплари: мақсадга йўналтирилганлик, режалилик, компетентлик, интизом, рағбатлаш, иерархиялиликдан иборат.

Мақсадга йўналтирилганлик принципи. Бошқарувнинг дастурий-мақсадли моҳияти билан белгиланган ва таълимни бошқариш ҳар бир органи ва унинг ҳар бир бўлинмаси олдида мақсадларни аниқ қўйишни назарда тутуди. Бунда мақсад реал, эришиладиган ва мутлақо аниқ белгиланган бўлиши лозим, бу ишга соғлом мазмун бахш этади ва ходимлар саъй-ҳаракатларини уни бажаришга сафарбар этади.

Режалилик принципи. Дастурий-мақсадли бошқарув билан белгиланган ва ҳаракатлар дастурини тузиш, уни бажаришни кўзда тутуди. Иш шароитларини меъёрлаш ва уни ижрочилар ўртасида тақсимлаш, ижрочилар ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва уларни инструкциялаш, шунингдек, ҳар бир иш ҳамда бутун дастурни бажариш устидан назорат ва ҳисоботни ташкил қилишда намоён бўлади.

Компетентлилик принципи. Меҳнатни вазифасига кўра горизонтал тақсимлаш билан боғлиқ. Менежер томонидан бошқарув объектини билиш ёки, ҳеч бўлмаганда, унинг қарор қабул қилишда мутахассисларнинг компетент маслаҳатларини идрок қилиш қобилиятини англатади.

Интизом принципи. Исталган даражадаги исталган бошқарув тизимида мавжуд бўлиши лозим. Таълимга нисбатан олинганда бу принципнинг роли айниқса катта, чунки соҳанинг ўзига хослиги нафақат ижро интизоми, балки молиявий интизом ва вазирдан бошлаб, педагоггача ҳар бир ходимларнинг ўз-ўзи учун интизомига оширилган талабларни белгилайди. Шу билан бирга, интизом ходимларнинг ташаббускорлигини бўғмаслиги ва ишга ижодий муносабат учун ўрин қолдириши керак.

Рағбатлаш принципи. Энг аввало, моддий ва маънавий рағбатлантиришлар асосида меҳнат фаолиятини мотивациялашни назарда тутлади. Моддий рағбатлантириш ходимларнинг меҳнат натижаларидан шахсий иқтисодий манфаатдорлигига, маънавий рағбатлантириш – асосан, ходимларга психологик таъсирга асосланади. Рағбатлантириш, шунингдек, маънавий рағбатлар ва мотивацияларни, ходимларга нисбатан адолатли муносабатни кўзда тутлади.

Иерархиялилик принципи. Бошқарув меҳнатининг вертикал бўлишини, яъни бошқарув даражаларининг ажратилиши ва қуйи даражаларнинг юқориларига бўйсунилиши кўзда тутлади. Бошқарувнинг ташкилий структурасини шакллантириш, бошқарув аппаратини қуриш, кадрларни жойлаштиришда ҳисобга олинади.

Бошқарувнинг барча принциплари ўзаро узвий боғлиқ ва бир-бирини белгилайди. Масалан, бошқарув тизимининг аниқ фаолият кўрсатишига унинг бошқа (мақсадга йўналтирилганлик, режалилик, компетентлик, рағбатлантириш, иерархиялилик) принципларини инкор қилган ҳолда эришиб бўлмайди. Худди шундай, режалилик, компетентлик, интизом ва иерархиялиликсиз мақсадга йўналтирилган фаолиятни ташкил қилиб бўлмайди.

“Инновацион менежмент тузилмаси ва мазмунини олий таълимни бошқаришнинг стратегик аспекти асосий характеристикалари асосида ўрганиш хусусиятлари” номли иккинчи бобда стратегик ва функционал менежментни интеграциялашнинг роли, бошқарувнинг хусусий принциплари ва компонентлари баён қилинган. Бугунги кунда раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими доимий такомиллаштирилмоқда ва амалга оширилаётган янгиликлар кўп жиҳатдан таълим жараёнига турли инновацияларни жорий қилиш билан боғлиқ. Замонавий илмий адабиётларда инновацияларни жорий қилиш оқибати ҳисобланган турли объектлар, ҳодисалар ва жараёнлар тавсифига тобора кўп мурожаат қилинмоқда. Табиийки, янги илмий ва касбий йўналишларнинг юзага келиши раҳбар ходимларни тайёрлашнинг ихтисослаштирилган тизимини талаб қиладики, унда нафақат бошқарув мазмуни, балки унинг методлари ва воситалари ҳам олий таълим муассасаси ривожланишининг тегишли босқичига мувофиқ келиши лозим.

Таъкидлаш зарурки, раҳбарлар бошқарувчилик компетенцияларини самарали ривожлантириш учун шахсга йўналтирилган ёндашув, муаммоларни ҳал қилишнинг эгилувчанлиги, бошқарувга ностандарт ёндашувга кўмаклашадиган янги метод ва принципларни излаш зарур. Шундай қилиб, педагогик кадрлар касбий бошқарувчилик фаолиятининг ўзига хосликларини стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш аспектида таҳлил қилиш инновацион бошқаришнинг қуйидаги компонентларини ажратиб кўрсатиш имконини берди: мотивацияли, ахборотли, коммуникатив ва инновацион.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотимизда олий таълим муассасасини инновацион ривожлантириш шароитида педагогик кадрларнинг бошқарувчилик салоҳиятини баҳолашнинг адекват мезонларини аниқлаш учун эксперт баҳолаш амалга оширилди.

Эксперт баҳолашнинг холислигини таъминлаш мақсадида экспертлар сифатида олий таълим муассасаси педагоглари, таълим олувчилари ва раҳбарлари жалб қилинди. Чунончи, жалб қилинган 372 экспертларнинг 70% ини (215 нафар) педагоглар, 25,4% ини (78 нафар) таълим олувчилар (битирувчилар) ва 4,6% ини (14 нафар) олий таълим муассасасираҳбарлари ташкил қилди.

Эксперт баҳолаш процедурасини стандартлаштириш мақсадида махсус сўровнома ишлаб чиқилди, у олинган натижаларни қайта ишлаш жараёнини оптималлаштириш имконини берди. Эксперт баҳолаш натижалари бўйича ажратилган компонентларнинг олий таълим муассасасини инновацион ривожлантириш шароитида педагогик кадрларнинг бошқарувчилик салоҳияти даражасига таъсирининг статистик аҳамиятлилигини ўрганиш мақсадида факторли таҳлил амалга оширилди ва иккита омилни ажратиб кўрсатиш имконини берди. Бунда ҳамма кам аҳамиятли ва идентификацияланмайдиган кўрсаткичлар иккинчи омилга жамланди, биринчи омил эса ҳал қилувчи роль ўйнади. Шундай қилиб, шартли равишда ажратилган ўнта компонентдан саккизтаси олий таълим муассасасини инновацион ривожлантириш шароитида педагогик кадрларнинг бошқарувчилик салоҳиятига нисбатан статистик аҳамиятли саналади. Факторли таҳлил натижаларига кўра саккизта (мотивацияли - 0,71; ахборотли - 0,69; инновацион - 0,68; коммуникатив - 0,68; аналитик - 0,65; конструктив - 0,64; креатив - 0,64; муаммоли-хиссаси - 0,63) компонент статистик аҳамиятли юкламага эга ва аҳамиятли омилни шакллантириши аниқланди. Раҳбарлик салоҳиятининг ҳар бир компоненти коэффицентини ҳисоблаб чиқиш эса аҳамиятли ва аҳамиятсиз компонентлар характеристикаларини очиқ бериш имконини яратди (таблица 1).

Ўз моҳиятига кўра, ажратилган саккизта (статистик аҳамиятли) компонент ва уларнинг характеристикалари олий таълим муассасасини инновацион ривожлантириш шароитида педагогик кадрларнинг бошқарувчилик салоҳиятини баҳолаш мезонлари ҳисобланади, факторли таҳлил натижалари ва ҳисоблаб чиқилган коэффицентлар эса мезонларнинг адекватлиги ва уларнинг олий таълим муассасасини инновацион

ривожлантириш шароитида педагогик кадрларнинг бошқарувчилик салоҳиятига таъсир даражасини белгилайди.

1-жадвал.

Олий таълим муассасасини инновацион ривожлантириш шароитида бошқарувчилик салоҳиятининг аҳамиятли таркибий қисмларини баҳолаш бўйича эксперт сўрови натижалари (n=372)

Т.р.	Рахбарлик салоҳият таркибий қисмлари номи	Коэффициентлари
1.	Мотивацияли	49,3
2.	Ахборотли	47,9
3.	Инновацион	45,3
4.	Коммуникатив	45,1
5.	Аналитик	44,8
6.	Конструктив	44,1
7.	Креатив	44,1
8.	Муаммоли-ҳиссий	41,9
9.	Фикрлаш	35
10.	Альтруистик	31,6

Таълимни бошқариш функциялари – улар ёрдамида бошқарув кичик тизими бошқарув объектига таъсир кўрсатадиган фаолият турлари. Бошқарув функциялари ҳам умумий ва хусусий (махсус) функцияларга ажратилади. Умумий функциялар бошқарувнинг барча тизимларига хос. Хусусий функциялар эса маълум ўзига хосликларга эга.

Менежментга нисбатан қуйидаги умумий функциялар ажратиб кўрсатилади: стратегик режалаштириш, ташкил қилиш, мотивациялаш, назорат.

Таълимни бошқариш методлари – бошқарув субъектининг маълум мақсадларга эришиш учун бошқарилувчи объектга таъсир кўрсатиш усуллари. Таълимни бошқариш методлари хилма-хил, бироқ уларнинг ходимларга (умуман таълим муассасаси ходимлари ва ҳар бир ходимга алоҳида) таъсири мотивация билан воситаланган.

Инсонлар хулқ-атворида эҳтиёж ва манфаатлар муҳим роль ўйнайди. Эҳтиёж – инсон томонидан ниманингдир етишмаслигини физиологик ва психологик ҳис қилиниши. Мукофотлар – инсон ўзи учун қимматли деб билганларининг ҳаммаси. Инсонлар фаолияти уларга эришишга қаратилган эҳтиёжларнинг жами бошқарув методларининг иқтисодий, ташқилий-фармойишли ва ижтимоий-психологик йўналишларини белгилайди.

Бошқарувда максимал самарадорликка эришиш учун бошқарувнинг *ижтимоий-психологик* методлари йўналтириладиган маънавий мотивациялар зарур. Бу методлар ёрдамида асосан ходимларнинг онги, инсонларнинг ижтимоий, ахлоқий ва бошқа манфаатларига таъсир ўтказилади ва меҳнат фаолиятини маънавий рағбатлантириш амалга оширилади. Маънавий мотивация алоҳида мураккаблиги ва нозиклиги билан ажралиб туради. Унинг пировард самарасини аниқлаш жуда қийин, аммо унинг натижалари анчагина аҳамиятли.

Бошқарув методлари, одатда, санаб ўтилган мотив турларининг барчасига комплекс таъсир ўтказиши, шунинг учун уларни асосий ва иккинчи даражали методларга ажратиш, бир-бирига қарши қўйиш тўғри эмас. Аксинча, уларни бирликда ва ўзаро алоқадорликда қараш лозим, зеро уларни комплекс қўллаш қўйилган мақсадларга оптимал даражада эришишга кўмаклашади.

Бошқарув қарорларини оптималлаштиришнинг тобора кенг тарқалган методлари математик моделлаштириш, эксперт баҳолаш, “ақлий ҳужум”, ўйинлар назарияси ва бошқ. ҳисобланади.

Бошқарув функцияси бошқарувчи тизим билан бошқариладиган объект ўртасидаги муносабат бўлиб, бошқарувчи тизимдан бошқариладиган жараёнларнинг мақсадга йўналтирилганлиги ёки уюшганлигини таъминлаш учун маълум ҳаракат(лар)ни бажаришни талаб қилади. Бошқарувчилик ҳаракатлари ўз мазмуни ва натижаларига кўра фарқ қилади. Бошқарув функцияларининг фарқланиши ҳам шундан.

Муайян таълим муассасасини бошқаришда қайси функцияларни реализациялаш керак? Бу саволга бир ёқлама жавоб бериб бўлмайди. Бу ТМ ўз олдида қўйган таълимий вазифалар, унинг ривожланишга йўналганлиги, у фаолият юритадиган шароитлар, бошқарувга ёндашувлар билан боғлиқ,

Бошқарувчи тизим томонидан бажарилиши керак бўлган барча таълим муассасалари учун бир хил функциялар рўйхати мавжуд эмас. Масалан, ТМ – коллеж ва олий таълим муассасаси бирлаштирилган мажмуани бошқариш олий таълим муассасаси ўз-ўзича мавжуд бўлган ҳолатдагидан бошқача қўшимча функцияларни бажаришни талаб қилади. Таълимни индивидуаллаштириш, таълим жараёнининг интеграцияси ва вариативлигини таъминлаш вазифалари белгиланган ТМ да бошқарув бу каби вазифалар қўйилмаган таълим муассасасидагига қараганда кенгрок функциялар мажмуасини бажаришни талаб этади. Агар олий таълим муассасаси қандайдир тадбиркорлик фаолиятини олиб борса, унда тегишли бошқарув функциялар амалга оширилиши керак.

Функциялар таркибига, бошқарилувчи объект хусусиятларидан ташқари, бошқарувга нисбатан ёндашув ҳам таъсир ўтказиши. Бошқарувчилик фикри эволюциясини қараб чиқиб, у самарали бўлиши учун турли ёндашувларда бошқарув жараёнида “нима” ва “қандай” қилиниши кераклиги турлича тушунилишини кузатдик. “Қамчи ва ширинлик” методига йўналтирилган рационалистик ёндашувда ташкилотнинг норасмий тузилмаси бошқарувчилар диққат майдонидан ташқарида бўлиб, унга нисбатан бошқарув функциялари амалга оширилмайди. Шахсий йўналтирилган ёндашувларда, аксинча, ташкилот аъзоларининг қаноатлантирилганлиги, жамоадаги ижтимоий-психологик муҳит, унда амал қиладиган кадрлар таҳлил ва бошқарув предметига айланади.

Бироқ юқорида таъкидланганидек, бошқарувга нисбатан битта энг яхши ёндашув мавжуд эмас. Айрим шароитларда бир, бошқасида иккинчи бир ёндашув нисбатан самарали бўлиши мумкин. Бу амалга ошириладиган

бошқарув функциялари таркиби ҳам вазиятга адекват бўлиши керак, деганидир.

Бу функциялар таркиби, шунингдек, олий таълим муассасасининг ривожланишга йўналганлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Агар олий таълим муассасасимаъмурияти ҳал қилишга уринадиган вазифа олий таълим муассасасининг барқарор фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўлса, инновацион жараёнларни бошқариш функциялари умуман амалга оширилмайди, ёки жуда кам ҳажмда амалга оширилади. Аксинча, инновацион олий таълим муассасасида янгиликларни излаш ва ўзлаштириш жараёнларини бошқаришга сарфланадиган вақт ўқув-тарбия жараёнини бошқариш функцияларига сарфланадиган вақт билан нисбатланадиган бўлади.

Шу сабабли бошқарув жараёнини бундан кейин бошқарув субъекти томонидан амалга ошириладиган ва унинг натижасида бошқариладиган объектнинг образи ва мазмуни шаклланадиган ва ўзгарадиган, ҳамкорликдаги фаолият мақсадлари, уларга эришиш усуллари белгиланадиган, унинг қатнашчилари ўртасида иш тақсимланадиган ва уларнинг саъй-ҳаракатлари интеграцияланадиган ҳаракатларнинг узлуксиз кетма-кетлиги сифатида тушунамиз.

Диссертациянинг учинчи – **“Олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш тизими”** бобида олий таълим тизимида функционал ва стратегик менежмент принциплари, функциялари, босқичлари ўрганилган.

Инновацион менежмент принциплари ташкилотлар инновацион фаоллигини амалга оширишнинг мақсад, шакл ва усуллари белгилайдиган илмий асосланган таянч мақсадлардир. Булар реализацияланмаган имконияларни излаш принципи қўшилган фактлар асосида қарор қабул қилиш принциплари ва ш.к. дир.

Инновацион менежмент инновацион жараёни амалга оширишда олий таълим муассасаси бошқарув тизимини шакллантиришни белгилаб берадиган маълум функцияларни бажаради. Инновацион менежментнинг икки гуруҳ: асосий ва таъминловчи функциялари фарқланади.

Инновацияларни бошқариш – профессионал бошқарувчилар фаолиятининг илмий-техник, ишлаб чиқариш-технологик ва маъмурий соҳаларида нисбатан янги тушунча. Инновацион менежмент қуйидаги таянч ҳолатларга асосланади:

1. Шу инновация учун пойдевор бўлиб хизмат қиладиган ғояни излаш.
2. Мазкур инновация учун инновацион жараёни ташкил қилиш.
3. Инновацияни бозорда тарғиб қилиш ва реализациялаш жараёни.

Шунга кўра ТМ да стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини қуйидагича босқичли реализациялаш мумкин:

I босқич – таълим муассасаси маъмурий жамоаси аъзоларидан бирининг келгуси ўзгаришларнинг муҳимлиги, зарурлиги ва муқаррарлигини енгаб етиши, яъни ўзига хос “ғоявий илҳомлантирувчи” ва келажакдаги ғоялар “генератори”нинг мавжудлиги.

II босқич – бизнинг ҳолатимизда нафақат маъмурий (менежерлик) жамоаси, балки кўпроқ педагогик жамоа аъзолари орасидан, у ёки бу янгиликни жорий қилишга методик ва технологик жиҳатдан тайёр бўлган, ғоявий тарафдорлар, ўз жамоасини шакллантириш.

III босқич – инновацияни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш стратегиясини танлаш. Педагогик жамоа аъзоларини мотивациялаш ва педагогларнинг инновацион фаолиятга тайёрлигини шакллантириш.

IV босқич – таълим муассасаси келажагини прогнозлаш ва муаммоли таҳлил қилиш, “муаммоли майдон”ни қуриш ва ўз муассасасидаги асосий муаммони белгилаш.

V босқич – муаммоли таҳлил натижалари ва белгиланган асосий муаммо асосида таълим муассасасини энг яқин даврда ривожлантириш бўйича лойиҳа ғоясини излаш, саралаш ва ишлаб чиқиш.

VI босқич – ишлаб чиқилган ғоя бўйича муайян бошқарувчилик ҳаракатларини белгилаш, яъни а) инновацияни бошқариш мақсадини белгилаш, б) инновацияларни бошқариш стратегиясини танлаш, в) уни амалга ошириш режаси ёки дастурини тузиш, г) инновацияни бошқариш усулларини белгилаш.

VII босқич – кейинги бошқарувчилик ҳаракатларини коррекциялаш мақсадида лойиҳа ғоясини амалга ошириш бўйича қадамларни мониторинг қилиш.

VIII босқич – белгиланган дастур бажарилишини назорат қилиш. Инновацияни бошқариш усулларини таҳлил қилиш ва баҳолаш. Инновация менежменти усулларини коррекциялаш.

Исталган типдаги таълим муассасаси ва таълим турини бошқаришни ташкил қилиш қўлланадиган бошқарув тизими (моделли) билан боғлиқ. Бошқарувнинг *чизиқли-штаб структураси* тобора кенг тарқалган. Унинг асосини чизиқли раҳбарларнинг маъмурий бўйсунуш муносабатлари ташкил қилади. Бу муносабатлар ҳар бир бўғинида штаблар ташкил қилинадиган чизиқли-иерархик структурани ташкил этади.

ТМ ни бошқаришнинг *интеграл модели* пировард маҳсулот – мутахассисга талаблар асосида ишлаб чиқилган. Бундай моделнинг ишлаб чиқилиши таълим жараёнининг таълим олувчи шахсини ривожлантиришга қаратилган комплекс характери билан белгиланади.

ТМ ни бошқаришнинг *ҳудудий-автоматлаштирилган тизими* станлартнинг минтақавий компоненти устунлигига асосланган. Бундай тизимни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ТМ да етарлича шароит яратиш зарур, шундагина ҳар бир кейинги босқич талаблари аввалгисидан келиб чиқади.

Бошқарувнинг вертикал структураси “Кенгаш – директор – директор ўринбосари – раҳбар ва жамоа” вертикалини акс эттиради. Бундай модель ҳокимиятни марказлаштириш ва демарказлаштириш ўртасидаги нисбатни ўзгартиради, бўлинмалар ўртасидаги алоқаларни кучайтиради, таълим дастурларини бошқаришни амалга оширишни таъминлайди. Бу моделда

директор ўринбосарининг функциялари тавсифи йўқ, бу таълим сифатини бошқариш мавжуд эмаслигини тахмин қилиш имконини беради.

Бошқарув методлари деганда бошқарув субъектининг унинг объекти – таълим сифатига мақсадли таъсир усулларини тушунамиз. Методлар – бошқарув тизимининг тобора ҳаракатчан элементи бўлиб, таълим сифатини бошқариш мақсадлари ва принципларини реализациялашга хизмат қилади. Педагогик жамоа, таълим оловчилар ва умуман таълим жараёнига таъсирнинг турли методларини танлаш, қўллаш ва бирлаштириш – таълим сиатини самарали бошқаришнинг асосий шarti.

В.П.Симонов, Г.З.Слизенгер томонидан таълим сифатини бошқаришнинг асосий: маъмурий, педагогик-психологик ва иқтисодий методлари аниқланган.

Маъмурий (ташкilotчилик-фармойишли) *методлар* раҳбарнинг нуфузига асосланди. *Педагогик-психологик методлар* раҳбарнинг қўл остидагиларни таълим натижаларини кузатиш ва сифатини бошқариш зарурлигига ишонтара олиш қобилиятига асосланади. Таълим сифатини бошқаришнинг *иқтисодий методларига* педагогик ходимлар меҳнатини рағбатлантиришнинг турли усуллари: устамаларни дифференциялаш, билимларни эгаллашнинг энг самарали усулини ишлаб чиқиш, таълим оловчиларнинг ишлаб чиқариш таълимидаги меҳнатини меъёрлаштириш учун рағбатлантириш ва ш.к. киритиш мумкин. Бошқарувнинг *дастурий-мақсади методининг* асоси – таълим тизимининг фаолият самарадорлиги ва ривожланиши, рақобатбардошлиги, устуворлиги ва ўзига хослигини таъминловчи тизимли ёндашув, унинг таълим тизимини бошқаришни такомиллаштиришга кўмаклашадиган процессуаллиги (М.М.Поташник, И.С.Ладенко, Г.Л.Тулъчинский, В.С.Татьяненко).

Таълим муассасасини бошқаришнинг амалдаги моделларини (тизимларини) таҳлил қилиб, қатор камчиликларни кўрсатиш мумкин:

бу тизимлар тўлиғича таълим оловчи шахси, унинг ривожланишига қаратилмаган;

улар таълим сифатини яхши назорат қилмайди;

тизимлар ҳаддан зиёд марказлаштирилган (директор ўринбосарлари ва тузилмавий бўлинмалар раҳбарлари даражасида мустақиллик кам);

улар педагогик жамоанинг ривожланишига у қадар кўмаклашмайди, бундай ривожланишг спонтан тарзда борса, педагогик кадрларнинг касбий қариши рўй беради;

улар самарли педагогик технологияларнинг ривожланишини таъминламайди;

улар ТМ нинг ҳам ташқи, ҳам ички муҳитининг ўзгарувчан шароитларига мослаша олмайди.

Ҳар қандай бошқа фанда бўлгани каби таълим муассасаси, таълим сифатини бошқарув илмида ҳам тадқиқот методлари танлови ниманинг тадқиқ қилинаётгани (яъни ўрганилаётган предмет) ва тадқиқотчилик вазибаларига боғлиқ.

Таълим сифатини бошқариш тизими, ижтимоий бошқариш назариясининг умумий назарияларига кўра, ёпиқ, таълим элементларини бошқариш жараёнида тўғри ва акс алоқалар мажбурий элемент сифатида мавжуд тизим бўлмаслиги лозим. Таълим тизимида бошқарувнинг замонавий ҳолати эса айнан акс алоқанинг мавжуд эмаслиги ёки етарлича ривожланмаганлиги билан тавсифланади. Пировардида, бошқарув оптимал бўлиши керак, бошқача айтганда, бошқарув сифати кўрсаткичларининг экстремал қийматларини таъминлаш зарур.

Амалиёт кўрсатадики, бошқарувчилик фаолияти сифати кўп жиҳатдан таълимнинг ҳолатига таъсирнинг самарадорлиги, шунингдек, унинг кўрсаткичларини тизимли бошқариш билан белгиланади.

Бошқарувда марказий фигура бошқарувга оид у ёки бу қарорни қабул қилишга ҳақли бўлган раҳбар саналади. Раҳбар ишининг моҳияти ташқи вазифани ички мақсадга айлантириш, кейин шу мақсадни муассаса ходимлари учун ташқи вазифага ўзгартиришдан иборат.

Диссертациянинг тўртинчи – **“Стратегик ва функционал менежментни интеграциялашни ташкил қилиш ва унинг механизмлари”** номли бобда таълим муассасасини бошқаришда переметрлар ва индикаторларни нисбатлаш йўли билан функционал менежмент билан интеграцияланган стратегик бошқарувнинг такомиллаштирилган модели тақдим этилган.

Функционал менежмент билан интеграцияланган стратегик бошқарув фаолияти деганда таълимнинг тизимли объект ва субъектлари, уларнинг динамикаси ва бевосита ўқув-тарбия жараёнидаги фаолиятини тушунамиз. Тартибга солиш бўйича бошқарув фаолияти педагогик таъсир натижаларининг мавжуд норматив ва мезонлар билан қиёслашга асосланган. Бундан ташқари, режалаштириш натижалари педагогик жараёнлар динамикасини уларнинг ривожланишини прогнозлаш, шунингдек педагогик ҳодисаларни баҳолаш учун қўллаш мумкин.

Стратегик менежмент бошқарувнинг оралиқ босқичларида функционал менежмент билан кесишади.

Бошқарув фаолиятининг иккита асосий йўналишини ажратдик:

ТМ фаолияти таҳлили;

ТМ фаолият юритишини ўрганиш.

Функционал менежмент билан интеграцияланган раҳбарнинг *стратегик менежмент мақсади қуйидагилар* саналади:

- таълим жараёнида режалаштирилган ўсиш параметрларига эришиш учун ўзининг ва қўл остидагиларнинг фаолиятини ўз вақтида коррекциялаш. Бу мақсад Давлат таълим стандартини таълим даражасини объектив баҳолаш асоси сифатида жорий қилиш шароитида долзарблик касб қилади;

- педагогикада миқдорий методларни жорий қилиш ва оммалаштириш;

- юзада ётмаган, яширин, тадқиқотнинг миқдорий методлари билан аниқлаш мумкин бўлган янги педагогик фактларни аниқлаш;

- раҳбар ва педагоглар ўртасида биргаликдаги ташхис-тартибга солиш фаолиятига асосланган ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш. Бу ҳолда бошқарув раҳбар ва бўйсунувчилар учун умумий бўлади.

Раҳбарнинг таъхис фаолияти вазифалари:

1. Раҳбар ва кўл остидагилар (ПЎТ) ўзаро муносабатларини ўз вақтида коррекциялаш учун қуйидаги вазифаларни мунтазам ҳал қилиш талаб этилади:

- олий таълим муассасаси профессор-педагоглар таркиби ишининг оралиқ натижаларини, лавози мажбуриятлари бажарилишининг мувофиқлигини ўрганиш;

- иш жараёнида юзага келадиган хатолар (деформациялар, оқ доғлар), шунингдек, уларнинг сабабларини аниқлаш, камчиликларни бартараф қилишнинг самарали йўллариини излаш ва бошқ.

2. Иккинчи мақсадга эришишга, назаримизда, қуйидаги вазифаларнинг ҳал қилиниши яқинлаштиради:

- таълим тизими фаолият кўрсатишининг самарадорлигини миқдорий ўрганиш;

- турли педагогик технологияларни қиёсий миқдорий ўрганиш;

- педагогик муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг оптимал йўллариини излаш;

- педагогик ўлчашлар натижаларини қайта ишлашнинг миқдорий методларини адабий-танқидий тадқиқ қилиш ва бошқ.

3. Бевосита кузатилмайдиган, яширин педагогик фактларни аниқлаш қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш билан боғлиқ:

- маълум педагогик боғлиқликлар, қонуниятлар моделларини миқдорий талқинлар асосида қуриш;

- педагогик, психик, физиологик параметрлар ўртасидаги миқдорий боғлиқликларни аниқлаш.


4. Ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга қуйидаги вазифаларнинг ҳал қилиниши билан эришиш мумкин:

- раҳбар билан ПЎТ ишчан ҳамкорлиги шаклларини излаш;

- таълимнинг жамоавий шакллари шароитида жамоани бошқаришнинг ноавторитар ричагларини излаш ва бошқ.

Раҳбарнинг стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш шароитидаги бошқарув фаолиятини баён қилинганидек тушуниш бу фаолиятнинг маълум принциплари, йўналишлари, мақсад ва вазифалари билан функционал менежмент билан интеграцияланган стратегик бошқарув моделини ТМ ни бошқаришда параметрлар ва индикаторларни нисбатлаш йўли билан такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилди (2-расм).

Модель ўрганилаётган иккилик фаолиятнинг вақт билан белгиланадиган мунтазамлигини таъминлайдиган циклик характерини таъкидлайди. Ўрганилаётган фаолиятнинг тўлиқ цикли кўргилдаги натижага эришгунга қадар бир неча марта такрорланадиган тартибга солишнинг бошқарув циклини ўз ичига олади.



2-расм. Функционал менежмент билан интеграцияланган стратегик бошқарув модели

Билим ва малакаларни шакллантириш қатор босқичларни ўз ичига олган ягона жараён сифатида қаралиши керак (2-жадвал).

2-жадвал.

Бошқарувчилик малакаларини шакллантириш босқичлари

Босқичлари	Босқичнинг вазифаси	Фаолият турлари
Бошланғич	Педагогларда бошқарувчилик малакаларини эгаллашга мақсадли установкани яратиш; эмпирик материал тўплаш; олий таълим муассасасида фаолиятнинг яхлит манзарасини шакллантириш ва унда стратегик менежмент компонентининг роли ва ўрнини ёритиш	Профессор-педагоглар таркиби фаолиятини кузатиш; олий таълим муассасаси фаолиятини таҳлил қилиш; педагогик вазифаларни ҳал қилиш
Асосий	Бошқарувчилик малакалари таркибига кирадиган алоҳида ҳаракатларни изчил ишлаш; назарий билимларни долзарблаштириш; педагогик фаолият моҳияти ва тузилмасини англаш; касбий қарашлар, қадриятлар ва йўналганликларни шакллантириш.	Амалий ва назарий топшириқларни бажариш; педагоглар билан диагностик тадқиқот олиб бориш; педагогнинг педагогик фаолиятини унинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш; тадқиқот натижаларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш.
Коррекция-лаш	Стратегик менежмент технологиясини ўзлаштириш; бошқарувчилик малакалари бутун операционал таркибини ишлаш; махсус курс жараёнида назарий билимларни чуқурлаштириш; амалий фаолиятни ўзида ўзи таҳлил қилиш усулларини эгаллаш.	Мустақил диагностик тадқиқотни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, педагог турли фаолиятларини ташкил қилиш; педагог фаолиятини муаммоли таҳлил қилиш; мустақил тадқиқотчилик иши.
Яқунловчи	Назарий билимларни умумлаштириш ва синтезлаш; бошқарувчилик малакалари мажмуасини	Педагогик жараённи ташкил қилиш; педагогнинг индивидуал ва типологик хусусиятларини аниқ-

	ишлаш; ўз-ўзини ташхислаш усулларины такомиллаштириш; касбий эътиқодни шакллантириш.	лаш; мустақил ишланган тадқиқот дастури бўйича тезкор ташхисни амалга ошириш; олий таълим муассасасининг кейинги ривожланишини прогнозлаш; педагогик прогнозни ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаси ривожланишининг истикболли режасини тузиш.
--	--	--

Бошқарув вазифалари реализацияланиши учун бошқарув тизимида зарур ҳаракатлар амалга оширилиши керак. Бу ҳаракатлардан бирлари параллел ва маълум вақтгача бир-биридан мустақил, бошқалари эса маълум изчилликда бажарилади. Бошқарув вазифаларини ҳал қилиш бўйича параллел ва изчил бажариладиган бу ҳаракатлар йиғиндиси бошқарув жараёнини ташкил этади.

Бошқарув вазифаларини ҳал қилиш ахборот билан ишлаш воситасида кечади, шунинг учун қатор ҳолларда бошқарув жараёнини ахборот тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш жараёни сиатида таърифлашади. Бироқ бу таърифда асосийси, айнан бошқарувнинг специфик мазмунини ташкил қиладигани очиб берилмайди. Телевизион кўрсатувларни тайёрлаш ва узатишда ҳам ахборот тўпланади, қайта ишланади ва узатилади, бироқ бу бошқарув жараёни ҳисобланмайди.

Бошқа ҳолларда бошқарув жараёни қарорлар ишлаб чиқиш жараёни сифатида тушунилади. Бу тўғри, аммо етарлича эмас. Ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида кўплаб қарорлар қабул қилади, аммо бу қарорлар бошқарувга оид эмас. Бошқарув – шунчаки қарорларни ишлаш эмас, балки кўплаб кишиларнинг биргаликда самарали ишлаши учун зарур ва етарлича шароитларни таъминлашга чақирилган қарорларни ишлаб чиқиш.

Шу сабабдан бошқарув жараёнини бундан кейин бошқарув субъекти томонидан амалга ошириладиган уларнинг натижасида бошқариладиган объектнинг образи шаклланадиган ва ўзгарадиган, биргаликдаги фаолият мақсадлари, уларга эришиш усуллари белгиланадиган, иштирокчилар ўртасида иш тақсимланадиган ва уларнинг саъй-ҳаракатлари интеграциялданадиган ҳаракатларнинг узвий изчиллиги сифатида тушунализ.

Бошқарув жараёни циклик характерга эга. У амалий ҳаракатларга эҳтиёжни аниқлаш, мақсад белгилашдан бошланади, ё уларга эришиш, ё улардан воз кечиш билан тугайди. Бошқарув цикли тўртта бошқарув ҳаракати: режалаштириш, ташкил қилиш, раҳбарлик ва назоратнинг ёпиқ изчиллиги сифатида тушунилади.

Режалаштириш – бажарилиши натижасида келажакда қандай натижалар олиш (мақсад), бунинг учун қандай ҳаракатлар ва қай кетма-кетликда бажарилиши кераклиги белгиланадиган, яъни нима, қачон ва қандай қилиниши кераклиги аниқланадиган ҳаракат. Бўлажак фаолиятни

режалаштириш мақсад, унга эришиш учун зарур ҳаракатлар таркиби, структураси ва муддатларини белгилаш демак.

Бироқ фақат режанинг ўзи етарли эмас. Ҳамма кишилар биргаликда самарали ишлай олиши учун ким ва қайси ишни бажаришини (лавозим вазифалари, ҳуқуқ, жавобгарликни) аниқлаш (тақсимлаш), бунда ким билан ва қандай ҳамкорлик қилишни белгилаш керак. Бу каби вазифаларни ҳал қилишга қаратилган ҳаракат ташкил қилиш деб юритилади.

Режалаштириш ва ташкил қилиш ҳаракатларининг бажарилиши туфайли олий таълим муассасаси жамоаси аъзоларининг саъй-ҳаракатлари интеграцияси учун зарур, аммо етарли бўлмаган шароитлар яратилади. Амалиётдан яхши маълумки, кишилар реал бажарганлари уларга расмий талабларда буюрилганларга ҳамма вақт ҳам мос келавермайди. Ижтимоий ташкилотларнинг ўзига хослиги уларга кирадиган кишиларнинг ўз шахсий мотивларга эга экани ва ўз олдига мақсад қўя билиши ҳисобланади. Улар ниманидир қилишни хоҳлаши ё хоҳламаслиги мумкин, ўз хулқ-атворини эса шунга боғлиқ тарзда куради. Ташкилотга келиб, кишилар уларга ўз манфаатларини реализациялаш имкони берилишини кутади. Агар шундай бўлмаса, улар ёки ташкилотдан кетади, ёки ишга бор имкониятларини бахш қилмайди.

Биргаликдаги иш самарали бўлиши учун, биринчидан, ижрочилар улардан қандай натижаларни ва қачон кутишаётганини яхши тушуниши; иккинчидан, улар шу натижаларга эришишдан манфаатдор бўлиши; учинчидан, улар ўз ишидан қониқиш ҳосил қилиши; тўртинчидан, жамоадага ижтимоий-психологик муҳит самарали (маҳсулдор) ишлаш учун қулай бўлиши зарур.

Бошқарув субъекти томонидан ижрочиларнинг манфаатдорлигини, ишидан қониқишини таъминлаш, жамоадаги мақбул ижтимоий-психологик муҳитни тутиб туриш учун қилинадиган ҳаракатлар раҳбарлик деб юритилади.

Ҳамкорликдаги фаолият яхши режалаштирилган ва ташкил қилинган, ижрочилар нимани, қачон ва қандай қилиши кераклигини тушунган, улардан талаб қилинаётганини англагандагина, бироқ унинг боришига ўзгартириш киритишни талаб қиладиган тарзда ички ёки ташқи шароитлар ўзгаргунига қадар муваффақиятли бўлади. Бу ўзгаришлар режалаштирилган ишларни амалга ошириш учун хавф солиши ёки, аксинча, қандайдир янги имкониятларни тақдим қилиши мумкин. Бошқарув рўй бераётган ўзгаришларга ўз вақтида реакция қилиши, бунинг учун эса улар ҳақида ахборотга эга бўлиши керак. Бундай ахборотни олиш ва ишларнинг боришини коррекциялаш заруратини аниқлаш назорат деб аталадиган махсус бошқарув ҳаракатини амалга ошириш йўли билан таъминланади.

Назорат туфайли бошқарув принципиал муҳим компонент – акс алоқага эга бўладиги, усиз бошқарув бўлиши мумкин эмас. Назорат бошқарувни ўзгаришларга нисбатан сезгир, “қўрадиган” қиладиган бўлади. Бу ўзгаришларга реакция қилиш эса режалаштириш, ташкил қилиш ва

раҳбарлик орқали амалга оширилади. Бу билан бошқарув цикли ёпиқ бўлиб чиқади.

Режалаштириш, ташкил қилиш, раҳбарлик ва назорат ҳаракатлари мураккаб структурага эга ва ҳар бир кўплаб бошқа ҳаракатлардан таркиб топади. Чунончи, режалаштириш вазиятни таҳлил қилиш, прогнозлаш, мақадни белгилаш, ҳаракатлар режасининг қасидир варианты ҳақида қарор қилиш каби ҳаракатларни ўз ичига олиши мумкин. Раҳбарлик қўл остидагиларга топшириқлар бериш, жамоа ҳолатини таҳлил қилиш, қўл остидагилар ишини баҳолаш, рағбатлантириш ёки жазолаш ҳақида қарор қилиш, қўл остидагиларни хабардор қилиш, низоли вазиятларни ҳал қилиш ва ш.к. ларни назарда тутати.

Раҳбарларни тайёрлаш босқичларини ажратишда “Олий таълим тизимида менежерларни тайёрлаш назарияси ва амалиёти” махсус курси ва касбий фаолият унинг доирасида бошқарувчилик малакаларининг шаклланиши рўй бериши лозим бўлган комплексни ташкил қилишига асосландик.

Ўқув фанлари бўйича машғулотлар олиб бориш ва ҳаракатларни ўзлаштириш босқичларини бирлаштиришнинг тобора самарали варианты қуйидагича тасаввур қилинди:

- практикум бўйича амалий машғулотларда – ҳаракатларда мотивацияли-мақсадли ва дастлабки йўналганлик босқичлари;
- махсус курс бўйича маъруза ва амалий машғулотларда – моддийлаштирилган ҳаракатлар ва ташқи нутқ босқичи;
- педагогик амалиётда – “ўзи ҳақида” ташқи нутқ ва ақлий ҳаракатлар босқичи.

Ишлаб чиқилган моделнинг ҳар бир компоненти тажриба-синов ўқитиш дастурини амалга оширишнинг барча босқичларида мавжуд. Бироқ маълум вазиятда у ёки бу компонент етакчи, асосий бўлиши мумкин. Шундай, мотивацияли-мақсадли компонент тажриба-синов ишининг бошланғич босқичида устуворлик қилади, бунда тингловчиларда бошқарув малакаларни эгаллашга установка шакллантирилади. Мазмунли компонент II ва III босқичларда, назарий билимлар (махсус курс топшириқлари тизими орқали) жадал шакллантирилганда, ташкилий-процессуал компонент III ва IV босқичда, ўқитишнинг фаол методлари, мустақил тадқиқотчилик фаолияти воситасида бошқарувчилик малакалар таркибига кирадиган алоҳида операцияларни ўзлаштириш, ишлаш, такомиллаштиришда устуворлик қилади. Назорат-баҳолаш компоненти тажриба-синов ўқитишнинг ҳар бир босқичи тугалланганида, бошқарувчилик малакалари ҳолати ва шаклланганлигини ташхислаш ва ўзида ўзи баҳолаш зарурати юзага келганида киритилади (3-жадвал).

**Бошқарувчилик малакаларини шакллантириш босқичлари –
етақчи мақсадлар**

Босқичлари	Модель компонентлари	Етақчи мақсадлар
Биринчи босқич	Мотивацияли-мақсадли	Бошқарувчилик малакалари мажмуасини эгаллашга установкани шакллантириш.
	Мазмуний	Назарий билимлар тизимини шакллантириш.
Иккинчи босқич	Мазмуний, ташкилий-процессуал	Педагогик-психологик билимлар ядросини шакллантириш, алоҳида амалларни асте-секин эгаллаш.
Учинчи босқич	Ташкилий-процессуал	Бошқарувчилик малакалари мажмуасини шакллантириш, адекват ўзини ўзи баҳолашни ишлаш, педагогик рефлексияни ривожлантириш.

Жараённинг структуравий бирлигини ҳосил қиладиган барча элементлар ўзаро узвий боғлиқ. Масалан, мотивацияли-мақсадли компонент таркибига қирадиган мақсадли установкалар, қадриятли йўналганликлар назарий билимларни муваффақиятли ўзлаштириш (мазмуний компонент) ва бошқарувчилик малакаларнинг операцион таркибини эгаллаш (ташкилий-процессуал компонент) учун замин тайёрлайди, ўз-ўзини баҳолашни шакллантиришга жиддий таъсир ўтказишга қодир (назорат-баҳолаш компоненти), касбий тикланиш динамикасини белгилайди.

Диссертациянинг бешинчи – **“Тажриба-синов ишини ташкил қилиш ва унинг натижалари”** номли бобида раҳбарларни бошқарув фаолиятига тайёрлаш соҳасига оид назарий ёндашувларни апробациялаш ҳамда шу фаолиятнинг таклиф қилинаётган комплекс воситаларини синаш бўйича тажриба-синов иши натижалари баён қилинган.

Тадқиқотлар кўрсатдики, раҳбарларнинг бошқарувчилик фаолияти даражаси етишмаслиги уларнинг таълим муассасасини бошқариш бўйича фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича талабларга қарама-қаршиликка келади. Уларнинг олий таълим муассасаси ўқув-тарбиявий жараёнини бошқариш даражаси раҳбарларнинг касбий тайёргарлик даражаси билан узвий боғлиқ. Интервьюлаш ва анкеталаш давомида пилот минтақаларида педагогик раҳбарликни амалга ошириш учун зарур билимларга эҳтиёж ўрганилди. 372 нафар тингловчи билан ўтказилган сўров шунингдек уларда касбий қийинчиликлар юзага келиш тенденцияларини ҳам аниқлаш имконини берди.

Натижада, қуйидаги маълумотлар олинди (4-жадвал).

Келтирилган маълумотлар яна бир бор тасдиқладикки, раҳбарлар фаолиятида педагогик таҳлил катта ўрин тутаяди, шунинг учун улар тегишли назарий билимлар каби таҳлилий малакаларга ҳам эга бўлиши лозим.

4-жадвал.**Раҳбар ва педагоглар касбий фаолиятидаги қийинчиликлар**

1. Олий таълим муассасаси раҳбариятининг жамоа томонидан баҳоланиши	27
2. Таълим муассасаси фаолиятининг аниқ мақсадларини белгилаш	34
3. Таълим муассасасини текшириш режасини ишлаб чиқиш	25
4. Янги типдаги таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш	71
5. Педагог ишини баҳолаш	24
6. Истикболли вазифаларни белгилаш учун ахборотни қайта ишлаш	63
7. Олий таълим муассасаси ичи назоратнинг ҳолати ва мазмунини баҳолаш	42
8. Қабул қилинган қарор ва буйруқлар бажарилишини таъминлаш	57
9. Педагогика фани ютуқлари ва илғор тажрибани қўллаш натижавийлигини таҳлил қилиш	48

Қуйида баён қилинган тадқиқот натижалари ходимларнинг бошқарув назарияси бўйича билимларга кескин заруратидан далолат беради (5-жадвал).

5-жадвал.**Раҳбар ва педагогларнинг бошқарув назарияси бўйича билим даражалари**

Т.р.	Бошқарув назарияси масалалари	Билимдан қониқади	Билимга муҳтож
1.	Педагогик бошқарув принциплари ва методлари	29%	71%
2.	Ишни режалаштиришнинг илмий асослари	17%	83%
3.	Ўқув-тарбия жараёнини бошқаришга тизимли ёндашув	16%	84%
4.	Педагогик ахборотга қўйиладиган асосий талаблар	25%	75%
5.	Бошқарув жараёнида назорат	47%	53%
6.	ТМ фаолиятини ўрганиш методикаси	61%	39%
7.	Бошқарув жараёнида рейтингдан фойдаланиш	17%	83%
8.	Педагогик диагностик таҳлил – бошқарув асоси	23%	77%
9.	Илғор педагогик тажрибани ўрганиш методлари	54%	46%
10.	ТМ давлат аттестацияси ва аккредитацияси масалалари	14%	86%

Функционал менежмент билан интеграцияланган стратегик бошқарув моделини реализациялаш педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида “Олий таълим тизимида менежерларни тайёрлаш назарияси ва амалиёти” махсус курси кўринишида амалга оширилди.

6-жадвал.**Педагогларнинг бошқарувга оид билимларни эгаллаганлик даражасига кўра тақсимланиши**

Тингловчилар гуруҳлари	Тингловчиларнинг тақсимланиши, %							
	1-даража куйи		2-даража ўрта		3-даража ўртачадан юқори		4-даража юқори	
Тажриба гуруҳи	4	16	7	28	9	36	5	20
Назорат гуруҳи	7	28	12	48	5	20	1	4

Махсус курснинг мақсади – тингловчиларда бошқарувчилик малакалари, стратегик ва функционал менежментга оид билимлар мажмуасини шакллантириш.

Махсус курс мазмуни тингловчилар билан турли шаклдаги машғулотларни назарда тутди. Унинг таркибига семинарлар, ахборот-амалий ва маъруза машғулотлари киритилган. Ўқитиш методлари орасида педагогик вазифалар ва вазиятлар, иш ўйини, топшириқ ва машқлар, диалог, лойиҳалар ҳимояси, мунозара кабилар ажратиб кўрсатилди.

Тажриба-синов дастури бўйича таълим олган тингловчиларнинг қарийб учдан бири (32,8% и) юқори даражага эришди ва мураккаблик даражасига кўра барча типдаги топшириқларни бажара олди. Бунда улар учун барча бошқарувчилик ҳаракатларининг тўлиқ, мустақил бажарилиши, психология. Физиологияга оид билимларни жалб қилиш ва қўллаш, топшириқларни бажариш вариатларини ижодий излаш характерли бўлди.

Тажриба-синов гуруҳининг 48,1% тингловчиси бошқарув малакаларини етарли даражада эгаллаган, тингловчиларнинг кичик қисмигина минимал даражада эгаллаган.

Назорат гуруҳида топшириқларни бажариш натижалари тамомила бошқача кўринишга эга. Тингловчиларнинг кўпчилиги диагностик малакаларни ўртача танқидий даражада эгаллаган, диагностик малакаларни эгаллаганликнинг юқори даражаси қайд этилмади.

Махсус курс ўтказилганидан кейин тажриба-синов ва назорат гуруҳлари тингловчиларида бошқарувчилик малакаларини эгаллаганлик даражасини аниқлаш имконини, шунингдек, тажриба-синовнинг шу босқичида уларни шакллантириш динамикасини таҳлил қилиш учун ахборот берган назорат кесими ўтказилди (7-жадвал).

7-жадвал.

Бошқарувчилик малакаларининг шаклланганлик даражаси (2-кесим), %

Малакалар	Шаклланганлик даражаси							
	Юқори		Ўртачадан юқори		Ўртача		Қуйи	
	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ
1. Педагоглар фаолиятини назорат қилиш малакаси	20,4	-	24,3	14,6	38,6	44,7	16,7	40,7
2. Педагоглар фаолиятини баҳолаш малакаси	28,5	-	18,4	15,3	31,7	51,5	21,4	33,2
3. Педагоглар фаолият натижалари баҳосини асослаш малакаси	24,4	-	14,5	11,5	48,6	43,3	12,5	45,2
4. Ёш педагоглар қийинчиликларининг сабабларини аниқлаш малакаси	18,4	-	16,2	14,3	51,1	41,7	14,3	44
5. Касбий фаолиятда қийинчиликларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш малакаси	22,5	-	12,3	12,2	54,6	41,4	10,6	46,4

Кесим натижалари кўрсатдики, махсус курс доирасида таклиф қилинган топшириқлар (машқлар, педагогик вазифалар, иш ўйини) тизими бўлажак раҳбарларда бошқарувчилик малакалари ривожланиш жараёнини рағбатлаган. Бунда тингловчиларнинг муайян педагогик вазифаларни ҳал қилишнинг усул ва воситаларини излашга доимий қизиқиш ва мотивация шаклланган. Таъкидлаш керакки, малакаларни эгаллашда яратилган

вазиятларда ечимлар (қарорлар) вариантларини, айниқса иш ўйинини ўтказишда, муҳокама қилиш муҳим роль ўйнади.

Маълумотларни қиёслаш тажриба-синов гуруҳи тингловчиларида бошқарувчилик малакаларини шакллантириш жараёни назорат гуруҳига қараганда самаралироқ эканини кўрсатди.

Кесим натижалари далолат берадики, тажриба-синов гуруҳи бошқарувчилик малакаларини эгаллашда назорат гуруҳидан анча ўзиб кетди.

Шундай қилиб, махсус курс стратегик ва функционал менежмент малакаларини шакллантириш жараёнининг назарий ва маънавий аспектида ўзида жамлаган, бўлажак раҳбарларни бошқарувчилик фаолиятига тайёрлашнинг ҳар учала йўналиши: установкалар ва қадриятли йўналганликни ишлаш, бошқарувчилик малакаларининг назарий ядросини шакллантириш ва амалий ҳаракатларни ривожлантиришни қамраб олган тизим ҳосил қилувчи омил бўлди.

Илмий тадқиқотимизнинг бошланғич босқичида ҳам тажриба-синов, ҳам назорат гуруҳи тингловчиларининг кўпчилигида бошқарувчилик малакалари жуда паст, паст ва ўртача даражада бўлган бўлса, у тугулланганидан кейин кўрсаткичлар, айниқса тажриба-синов гуруҳида сезиларли даражада яхшиланди.

8-жадвал.

Бошқарувчилик малакаларининг шаклланганлик даражаси (3-кесим), %

Малакалар	Шаклланганлик даражаси							
	Юқори		Ўртачадан юқори		Ўртача		Қуйи	
	ТГ	НГ	НГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ
1. Педагоглар фаолиятини назорат қилиш малакаси	53,8	-	23,6	16,8	17,7	46,7	4,9	36,5
2. Педагоглар фаолиятини баҳолаш малакаси	46,5	-	25,3	8,3	19,5	51,7	8,7	40,0
3. Педагоглар фаолият натижалари баҳосини асослаш малакаси	51,8	-	36,7	13,6	3,8	42,8	7,7	43,6
4. Ёш педагоглар учрайдиган қийинчиликлар сабабларини аниқлаш малакаси	48,2	-	15,8	10,5	26,3	49,8	9,7	39,7
5. Касбий фаолиятда қийинчиликларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш малакаси	44,3	-	28,5	13,0	21,4	52,8	5,8	34,2

Шундай қилиб, назорат кесими натижалари тадқиқотчилик фаолияти давомида тингловчиларнинг бошқарув малакаларининг яхлит мажмуасини эгаллаш учун мақбул шароит яратилиши ҳақидаги фаразимизни тасдиқлади.

Узлуксиз таълимнинг миллий тизимини таълим муассасасини ОЛИЙ таълим муассасасини инновацион ривожлантириш вазифалари ва истиқболларини доимий кузатиш билан кечадиган режалаштириш ва назоратга қайта йўналтириш ўзининг ва қўл остидагиларнинг меҳнати натижаларини керакли даражада ва замонавий воситалар ёрдамида

режалаштириш, ташхислаш, мониторинг қилишни уддалай оладиган бўлажак раҳбарни тайёрлашни талаб қилади. Бу замонавий таълимга стратегик ва функционал менежментни, бошқарув жараёнининг назарий асосари ва илмий методик таъминотини унинг ҳолатини мониторинг қилиш ва таълим ривожланишини прогноз қилиш механизм ва методлари билан интеграциялашга қодир раҳбарлар керак деганидир. Муассасанинг ривожланиши кўп жihatдан раҳбарнинг стратегик ва тактик мақсадларни белгилаш, уларга эришиш жараёнини бошқара олиш қобилиятига боғлиқ. Бажарилган диссертацион тадқиқот назарий- экспериментал характерга эга.

ХУЛОСА

1. Замонавий шароитларда олий таълим муассасаларида бошқарув самарали бўлиши учун мустаҳкам илмий асосга қурилмоғи керак. Бошқарувга нисбатан тури ёндашувлар мавжуд, бироқ уларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада бошқарувни ташкилотнинг алоҳида функцияси сифатида тушунишдан келиб чиқадики, унинг реализацияси унинг ҳаётий фаолияти мақсадга йўналганлиги ва уюшганлигини таъминлайди, бошқарув тизими компонентларининг қурилиши ва хоссалари, ташкилот фаолиятининг ташқи ва ички шароитлари ва унинг натижалари ўртасидаги алоқадорликларни ўрганишга қаратилади.

2. Илмий-техник жараёнларнинг ва таълим хизматлари бозорида рақобатнинг тезкор ривожланиши шароитида инновацион фаолиятни амалга ошириш менежмент тизимига алоҳида талабларни қўймоқда. Стратегик ва функционал менежментни ўз ичига олган инновацион менежмент таълим муассасасида инновацияларни бошқаришнинг уларни яратиш ва таълим жараёнида таълим сифатини ошириш мақсадида ўзлаштириш соҳасида илмий асосланган принциплар, шакллар, методлар, усуллар ва воситаларни намоён қилади.

3. Стратегик менежмент муассасанинг ривожланиш устуворликлари стратегиясини ишлаш, таълим хизматлари бозорига экспансия, ташқи муҳит ва таълим хизматлари бозорини таҳлил қилиш, таълим муассасаси миссияси ва ривожланиши мақсадлари бўйича стратегик қарорлар, унинг динамик ўсиши ва рақобатбардошлиги, таълим муассасаси миссиясининг бажарилиши ва унинг ривожланишини назарда тутати. Функционал менежмент ўз функцияларини янгиликларни ишлаб чиқиш, жорий қилиш, ишлаб чиқариш ва тижоратлаштиришни бошқариш бўйича муайян тадбирларда жамлайди.

4. Бошқарувнинг барча функциялари ўзаро узвий алоқадор ва бир-бирини белгилайди. Раҳбарларнинг бошқарувчилик компетенцияларини самарали ривожлантириш учун шахсга йўналтирилган ёндашув, муаммоларни ҳал қилишнинг эгилувчанлигига, бошқарувга ностандарт ёндашувга кўмаклашадиган янги метод ва принципларни излаш зарур. Педагогик кадрлар касбий бошқарувчилик фаолиятининг ўзига хосликларини стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш аспектида таҳлил

қилиш инновацион бошқаришнинг мотивацияли, ахборотли, коммуникатив ва инновацион компонентларини ажратиб кўрсатиш имконини берди.

5. Бошқарув ҳаракатларини амалга ошириш жараёни жараёни циклик характерга эга. Бошқарув вазифаларини ҳал қилишнинг ҳар бир цикли тўртта асосий ҳаракат: режалаштириш, ташкил қилиш, раҳбарлик ва назоратни бажаришни ўз ичига олади.

6. Инновацион менежмент қўйидаги асосий ҳолатларга асосланади: мазкур инновация учун пойдевор бўлиб хизмат қиладиган ғояни излаш; шу инновация учун инновацион жараёни ташкил қилиш; инновацияни бозорда тарғиб қилиш ва реализациялаш жараёни. Шунга кўра таълим муассасасида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини қўйидагича босқичли реализациялаш мумкин.

7. Олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмлари асосига қурилган стратегик бошқарувнинг модели ишлаб чиқилди, у бошқарув фаолиятининг вақт билан белгиланадиган мунтазамлигини таъминлайдиган циклик характерини таъкидлайди.

8. Раҳбар фаолиятининг самарадорлиги нафақат унинг шахсий сифатлари, балки раҳбарликнинг методларини эгаллаганлиги ва улардан жамоанинг ҳолатига, стратегик ривожланишнинг ҳал қилинаётган вазифалари ва фаолият шароитларига тобора мос келадиганини танлай олиши билан ҳам белгиланади.

9. Олий таълим тизими раҳбар ва педагогик кадрлар қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари учун ишлаб чиқилган “Олий таълим тизимида менежерларни тайёрлаш назарияси ва амалиёти” махсус курс стратегик ва функционал менежмент малакаларини шакллантириш жараёнининг назарий ва маънавий аспектиларини ўзида жамлаган, бўлажак раҳбарларни бошқарувчилик фаолиятига тайёрлашнинг ҳар учала йўналиши: установакалар ва кадриятли йўналганликни ишлаш, бошқарувчилик малакаларининг назарий ядросини шакллантириш ва амалий ҳаракатларни ривожлантиришни қамраб олган тизим ҳосил қилувчи омил бўлди.

10. Тадқиқот жараёнида такомиллаштирилган олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш модели бошқарув технологияси, унинг тизим ҳосил қилувчи компонентларини аниқлаштиришнинг тизим ҳосил қилувчи мезонларини белгилайди ва шу тизимнинг кўп қиррали жараёнларини ўзида гавдалантиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МАГРУПОВ АБДУЛЛА МАХМУДОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ИНТЕГРАЦИИ
СТРАТЕГИЧЕСКОГО И ФУНКЦИОНАЛЬНОГО МЕНЕДЖМЕНТА
В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ**

13.00.01 – Теория и история педагогики. Менеджмент в образовании

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.DSc/Ped8

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный консультант: **Иноят Улугбек Илясович**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Қурбанов Шавкат Эргашевич**
доктор педагогических наук, профессор

Юлдашев Мақсуд Абдуллаевич
доктор педагогических наук

Исмаилова Зухра Карабаевна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Центральный институт повышения квалификации и переподготовки кадров Народного образования имени А.Авлони**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2017 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Ped.P.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарайский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tgpu_kengash@edu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирован за № ___). Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарайский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел: 99871) 276-79-11.

Автореферат диссертация разослан _____ 2017 года
(реестр протокола рассылки № ___ от _____ 2017 года).

Ш.С.Шарипов
Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, д.п.н., проф.

Р.Г.Исянов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, к.п.н.

Д.Д.Шарипова
Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученой степени доктора наук, д.п.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире образование признано в основной движущей силы развития и важной деятельности, ведущей к целям устойчивого развития⁵, в свою очередь совершенствование процессов управления образованием и оценка его качества, внедрение механизмов, позволяющих определить достигнутые результаты, являются приоритетными направлениями. Ведущими образовательными учреждениями осуществляются исследования в области формирования компетенций у руководящих кадров, необходимые для инновационного управления высшим образовательным учреждением, совершенствование системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации.

В мире ставятся задачи совершенствования управления системой образования на основе механизмов интеграции стратегического и функционального менеджмента, теоретических основ и научно-методического обеспечения процесса управления, мониторинга инновационного развития вуза, гармоничные с миссией руководителя. Развитие высшего образовательного учреждения во многом зависит от умения руководителя определять стратегические и тактические цели в управлении процессом их достижения. Наиболее перспективным направлением научного поиска и реализации практических повышения качества образования, следует считать совершенствование управления образовательным учреждением и образовательным процессом в их единстве.

В Узбекистане начиная с первых дней независимости особое внимание уделяется повышению качества высшего образования, принципиально обновлена нормативно-правовая и материально-техническая база, организована системная работа по подготовке и повышению квалификации руководящих кадров. Управление системой непрерывного образования рассматривается как крупное самостоятельное направление развития системы подготовки кадров, в частности, четкое разграничение полномочий органов управления всех уровней системы непрерывного образования. Наряду с достигнутыми результатами в данной деятельности, необходимо организовать целевые исследования по совершенствованию механизмов интеграции стратегического и функционального менеджмента подготовки высококвалифицированных руководящих кадров в системе высшего образования. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан обозначены приоритетные задачи по «повышению качества и эффективности деятельности высших образовательных учреждений на основе внедрения международных стандартов обучения и оценки качества преподавания»⁶, что

⁵ Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. –р.6-7. <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

⁶ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП- 4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития страны в 2017-2021 годах». Собрание законодательства Республики Узбекистан. Т., 2017.- 39 С.

в свою очередь имеет важную роль в повышении эффективности управления в системе высшего образования и углубления интеграции стратегического и функционального менеджмента. С данных позиций, актуальным является совершенствование механизмов интеграции стратегического и функционального менеджмента в системе высшего образования.

Диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан: от 27 февраля 2017 года №103 «О внесении изменений и дополнений в положение о курсах переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений», от 20 апреля 2017 года №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», от 27 июля 2017 года № ПП-3151 «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием», а также в ряде других нормативно-правовых актах, касающихся этого вопроса.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁷. Научные исследования, направленные на совершенствование управления в системе высшего образования осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university (Великобритания), Association for Educational Communications and Technology – АЕСТ (США), Belfield pedagogical university (Германия), Педагогическом университете Мияги (Япония), в Российской академии образования (Россия), Московском государственном университете (Россия), Российском государственном университете нефти и газа (Россия).

В мире в результате исследований проведённых по развитию менеджмента в системе высшего образования получен ряд научных результатов: усовершенствованы организационные и стратегические механизмы эффективного управления развития образовательной системой (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university, Великобритания); разработаны механизмы перехода вузов в бизнес-корпорации (Association for Educational Communications and Technology – АЕСТ, США); разработана модель обеспечения перехода к более

⁷ В описание этого раздела использованы следующие источники: Botcheva, L., Shih, J., Huffman, L. C. Emphasizing Cultural Competence in Evaluation: A Process-Oriented Approach / L. Botcheva, J. Shih, L.C. Huffman // American Journal of Evaluation. 2009. Volume 30. №2. P. 176-188.

демократическим отношениям между органами управления и учебно-воспитательными учреждениями (Belfield pedagogical university, Германия), обоснованы тенденции общенационального стремления к более высокому уровню образования (Педагогический университет Мияги, Япония), внедрены в практику технологии обеспечения преемственности в подготовке школьников и студентов к решению задач устойчивого развития (Российская академия образования), усовершенствован принцип децентрализации управления образованием – механизмы разграничения компетенции, полномочий и ответственности между его различными уровнями (Московский государственный университет), внедряют новые магистерские программы, возникшие на стыке управления и биотехнологии, экономики и когнитивной психологии (Российский государственный университет нефти и газа).

В ведущих образовательных учреждениях мира осуществляются научные исследования по следующим приоритетным направлениям совершенствования механизмов интеграции стратегического и функционального менеджмента в системе высшего образования, в том числе: совершенствование теоретико-методологических основ управления высшим образовательным учреждением на основе принципа социального партнерства; внедрение современных механизмов партнерства государства и частного сектора в развитии системы образования; совершенствование стандартов и методов на основе корпоративного управления; привлечение к управлению вузом различных в том числе, социальных институтов; эффективное использование механизмов интеграции в повышении уровня профессиональной подготовки руководящих и педагогических кадров.

Степень изученности проблемы.

Ученными педагогами нашей республики раскрыты сущность и содержание современных концепций управления учреждениями образования, вопросы подготовки и переподготовки руководящих (управленческих) кадров образовательных учреждений и системы непрерывного образования: Р.Ахлидинов, М.Ачилов, У.Бегимкулов, М.Вахабов, У.Инояттов, Н.Исакулова, Р.Г.Исянов, Ш.Курбанов, Э.Сейтхалилов, С.Тургунов и управленческого взаимодействия З.Исмаилова, Р.Джураев, Ш.Шарипов, Ш.Шодмонова, Ш.Шакуров, М.Юлдашев, Н.Эгамбердиева⁸.

